



O'ZBEKISTON BUNYODKORI

IQTIMOY-IQTISODIY GAZETA

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№89 (642)
2022 йил 1 ноябрь,
сешанба

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

info@uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан
хафтанинг сешанба ва
жума кунлари чиқади.

ЭНЕРГИЯНИ ТЕЖАШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 31 октябрь кuni энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар тақдимоти билан танишди.

Давлатимиз раҳбари бу ҳақда бир ҳафта олдин куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича йиғилишда курсатма берган эди. Шу асосда куз-қиш мавсумида ёқилги-энергетика ресурсларини тежаш ва бир маромда етказиб бериш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Маълумки, иқтисодиёт тармоқлари ривожланиб, турмуш даражаси яхшиланиши сари энергияга талаб ҳам ошиб боради. Сўнгги беш йилда юртимизда электр энергияси истеъмоли 20 фоизга, жумладан, аҳоли томонидан сарфланиши 31 фоизга ошган. Бу курсаткичи йилга 6 фоиздан ўсиб бормоқда.

Шу боис энергия ишлаб чиқариш изчил ривожлантирилмоқда, бунга қўшимча сув, қуёш, шамол энергетикаси станциялари барпо этилмоқда. Шу билан бирга, электр энергияси ва табиий газ сарфини ҳисоблаш тизими ҳам тартибга келтирилди. Эндиги муҳим вазифа – бу неъматни қадрлаб, тежаб, ўз ўрнида фойдаланиш.

Тақдимотда мутасаддилар бу борадаги таклифларни баён этди. Хусусан, sanoat корхоналарида иш жараёнини оптимallasштириш, энергия ишлаб чиқариш технологиясини модернизация қилиш, қозонхоналарни янгилаш ва таъмирлаш, қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобига табиий газ ва электр энергиясини 10 фоизгача қисқартириш мумкинлиги айтилди.

Давлатимиз раҳбари бу масала йилдан-йилга долзарб бўлиб бориши,

шунинг учун ҳамма соҳа ва ҳудудларда энергияни тежашга ўрганиш кераклигини таъкидлади. Бу пировард натижада халқимизни энергия манбалари билан узлуксиз ва барқарор таъминлашга хизмат қилади.

Бугунги кунда дунёда энергия ресурслари тақчиллиги сезилмоқда. Шунинг учун кўплаб давлатларда энергия сарфини тежаш ва аҳоли хонадонларида иссиқлик ҳароратини мўтадиллаштириш чоралари кўрилмоқда.

Юртимизда ҳам бу борада ижобий тажрибалар оммалашмоқда. Масалан, Наманган ва Сирдарё вилоятларида кўчаларни ёритиш тизимидан оқилона фойдаланиш ҳисобига бир ҳафтада 50 минг киловатт-соат ёки 14 фоиз электр энергияси тежалаётди.

Шу боис мутасаддиларга ҳудудларга чиққан ҳолда, энергияни тежаш бўйича қўшимча имкониятларни излаш вазифаси қўйилди.

Ижтимоий соҳа муассасаларида энергия самарадорлигини ошириш, қуёш панелларидан фойдаланишни кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Энергетика вазирлиги ҳузурдаги Электр энергетикада назорат инспекцияси ҳамда Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ваколатларини кучайтириш, ноқонуний ҳолатларга нисбатан таъсирчан чоралар кўриш бўйича вазифалар белгиланди.

Ў.А.

Ўзбекистон кўмагида Мозори-Шариф халқаро аэропорти қайта тикланди

Бехруз ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Ў.А. мухбири.

Тошкент – Мозори-Шариф – Тошкент.

Ўзбекистон Транспорт вазирлиги, “Ўзавиация” агентлиги, “Ўзаэронавигация” маркази ДУҚ, “Uzbekistan Airports” АЖ, “Ўзгидромет” вакилларидан иборат мамлакатимиз делегацияси Афғонистонда Мавлоно Жалолдин Балхий номидаги Мозори-Шариф халқаро аэропорти фаолиятини тиклаш бўйича техник ёрдам кўрсатиш жараёни якунига бағишланган маросимда иштирок этди.



Маълумки, Ўзбекистон қўшни Афғонистоннинг иқтисодий тикланишига, транспорт ва энергетика инфраструктурасини шакллантиришга улкан ҳисса қўшмоқда. Икки мамлакат ўзаро савдо-иқтисодий алоқани янада ривожлантириш, истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган қатор ташаббусларни илгари сурмоқда.

Мозори-Шариф халқаро аэропорти фаолиятини қайта йўлга қўйишда кўрсатилган техник ёрдам шундай ташаббусларнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди. Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбари топшириғига биноан, ўтган йил Транспорт вазирлиги, “Ўзавиация” агентлиги, “Ўзаэронавигация” маркази ДУҚ, “Uzbekistan Airports” АЖ, “Ўзгидромет” вакилларидан иборат Идораларо комиссия томонидан Мозори-Шариф халқаро аэропортининг техник ҳолати ўрганилган ва зарур амалий чора-тадбирлар белгиланган эди.

Афғонистоннинг Балх вилояти Мозори-Шариф шаҳрида бўлиб ўтган анжуманда аэропорт фаолиятини тиклаш бўйича техник ёрдам кўрсатиш лойиҳаси босқичма-босқич амалга оширилгани, қисқа вақт ичида аэропорт ҳафтасига 4 та маҳалли ва 1 та халқаро ҳаво қатновига хизмат кўрсатган қатор ташаббусларни илгари сурмоқда.

Тадбир иштирокчилари фойдаланишга топширилган объектнинг тўлиқ имконияти, мажмуада яратилган шарт-шароит, аэропортдаги хизмат кўрсатиш сифати билан яқиндан танишди. Эътироф этиш жоиз, бу ерда ўтган давр мобайнида республикамизнинг тегишли вазирлик, идоралари томонидан қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, ҳаво ҳаракати хизмат кўрсатиш, парвозни радиотехник жиҳатдан таъминлашга эришилди.

2 бет



РИВОЖЛАНАЁТГАН ШАҲАРСОЗЛИК ЮРТИМИЗ КЕЛАЖАГИНИ ЯРАТИШДА МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ



Райҳона ХЎЖАЕВА,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Мамлакатимизда барпо этилаётган турар жойлар, ижтимоий соҳа объектлари ва бошқа иморатлар махсус режа, лойиҳа ҳамда ўзига хос архитектура асосида қурилаётгани қувонарли, албатта. Бунда, ўз навбатида, фойлият олиб бораётган лойиҳа ташкилотлари ва архитекторларнинг ўрни беқиёс. Малакали меъморларнинг юксак дид, замонавий шаҳарсозлик тамойилларига таянган ҳолда яратилган лойиҳалари асосида қад ростлаётган иморатлар юртимизнинг келажакдаги қиёфасини яратишга катта ҳисса қўшмоқда. Зеро, бинонинг чизмасини чизишдан тортиб, унинг жаҳон стандартларига мос равишда қурилишида бу касб эгалари муҳим роль ўйнайди.

Айтиш жоизки, сўнгги йилларда шаҳарсозликка катта эътибор қаратилмоқда. Соҳани янада ривожлантириш учун манзилли ишлар амалга оширилди. Хусусан, Президентимизнинг 2021 йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони соҳани куттилган даражага кўтариш имконини берди.

– “Янги Ўзбекистон” массивларидан 24 тасининг лойиҳаси “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ Бош лойи-

ҳа институти томонидан ишлаб чиқилмоқда, – деди лойиҳа институти бош архитектори Қобил Ҳошимов. – Уларнинг олдингиларидан фарқи шунки, янги технологиялар, яъни, иссиқлик самарадорлигини ошириш мақсадида газоблок, базальт қопламаларидан кенг фойдаланилди. Қолаверса, иссиқ сув мосламаларини муқобил энергия, яъни, қуёш энергияси ёрдамида ишлатиш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, электр энергияси ҳам қуёш нуридан олинмоқда.

Ушбу фармон тўғрисида “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш кўлами жорий йилда ҳам янада кенгайди. Массивларда кўп қаватли уй-жойлар, муҳандислик транспорт коммуникацияси, ижтимоий соҳа, ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари комплекслар тарзда қурилаётгани юртдошларимиз турмуш тарзини яхшилашга хизмат қилапти.

Қузатаётган бўлса, архитектура ва қурилиш соҳаси тобора юртимиз иқтисодиётининг ривожланиб бораётган соҳаларидан бирига айланмоқда. Бунга нафақат массивлар қурилиши, балки юртбошимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” Давлат дастурлари асосидаги бунёдкорликлар ҳам мисол бўла олади.

– “Обод маҳалла” Давлат дастурига биноан, институтимиз мутахассислари томонидан маҳалла марказларини шакллантириш бўйича қатор лойиҳалар яратилди, – деди “Қишлоққурилишлойиҳа” институти архитектори Дилшоджўжа Меҳмонов. – Лойиҳаларни яратишда энг аввало, шу жойларда яшовчи аҳолининг фикрлари инобатга олинди. Маҳалла фаолла-

ри билан суҳбат ўтказилиб, эҳтиёжларига қараб иш тутдик. Масалан, ўша ҳудудда хунармандлар бўлиши мумкин. Маҳалла марказлари лойиҳаларида уларга алоҳида хунармандчилик устaxonалари шакллантирилди. Баъзи маҳалла марказларида эса аҳолининг талабига кўра, спорт мажмуалари шакллантирилди.

Шунингдек, “Обод қишлоқ” Давлат дастури доирасида 413 та аҳоли оғир маҳаллаларнинг Бош режалари ишлаб чиқилмоқда. Бунда илк бор хусусий лойиҳа ташкилотлари ҳам жалб қилинди. 2023 – 2027 йилларга мўлжалланган шаҳар, қишлоқ ва овулларнинг бош режасини ишлаб чиқиш бўйича вилоят ҳокимлари томонидан тасдиқланган ҳужжат асосида рўйхат шакллантирилди. Шу дастур асосида 18 та шаҳарларнинг бош режасига тузатиш киритиш, 228 шаҳарчалар, 200 та мастер режалар ва 465 та қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режалари билан бирга баътафсил лойиҳаларини ишлаб чиқиш белгиланган.

– Янгиланган шаҳарсозлик кодекси бўйича ишлаб чиқарган лойиҳаларимиз биринчи навбатда жамoатчилик муҳокамасига қўйилади, – деди “УшшаҳарсозликЛИТИ” институти бошқарма меъмори Илҳом Жўраев. – Жамoатчилик муҳокамасида белгиланган муддатда сайтда туради. Тасдиқланган лойиҳалар геопортал орқали аҳолига қўлай бўлиши учун онлайн тарзда жойлаштириб борилади. Сайт орқали аҳоли лойиҳада белгиланган жойлар юзасидан таклифлар билан чиқиб, фикрларини жойлаштиришни мумкин.

2 бет

9 ойда қанча қурилиш материаллари экспорти амалга оширилди?

Маълумотларга кўра, тармоқ корхоналари томонидан 445,5 млн АҚШ доллари миқдорида қурилиш материаллари ва хизматлар экспорти амалга оширилиб, белгиланган режа 112,4 фоизга бажарилди. Бу 2021 йил жорий даврига нисбатан 155 фоизга ёки 160 млн АҚШ долларига кўп демакдир.

Бу ҳақда АОКА ўтказилган брифингда “Ўзсанoатқурилиш материаллари” уюшмаси ахборот хизмати раҳбари Жамшид Шерметов маълумот берди.

Президентимизнинг тегишли қарори билан, 2022 йилда соҳа корхоналарида 600 млн АҚШ доллари миқдорида қурилиш материаллари ва хизматлари экспорт қилиш белгиланган. Жумладан, январь-сентябрь ойлари учун 396,4 млн АҚШ доллари миқдорида экспорт қилиш режалаштирилган эди.

Юқоридаги экспорт кўрсаткичлар 67 млн АҚШ долларилик керамик плитка ва керамика буюмлари, 30,5 млн АҚШ долларилик алюмин профил ва панеллар, 61,2 млн АҚШ долларилик ПВХ профил, труба ва фитинглар, 7,5 млн АҚШ долларилик цемент, 33,7 млн АҚШ долларилик қуруқ қурилиш қоричмалари, 27,1 млн АҚШ долларилик



гулқоғоз, 12,6 млн АҚШ долларилик тиббий пардозбop тошлар каби қурилиш материаллари экспорт қилиш ҳисобига эришилди.

– Эътиборли жиҳати, аксарият қурилиш материаллари бўйича тармоқда янги қувватларнинг яратилиши ва модернизация қилиниши, инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ҳамда янги корхоналарнинг экспортга жалб қилиниши ҳисобига баъзи турдаги қурилиш материаллари экспорти 2021 йилнинг шу даврига нисбатан бир неча баробарга оширилди, – деди Жамшид Шерметов. – Мисол учун, 2021 йилга нисбатан керамик плиткалар 1,4 ба-

робарга, гулқоғоз 2,6 баробарга, табиий пардозбop тошлар 1,7 баробарга, ойна маҳсулотлари 1,6 баробарга кўп экспорт қилинди. Жорий йилнинг ўтган ҳисобот даврида қурилиш материаллари экспорти географияси аънанавий ҳисобланган бозорлар, яъни Қозғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистондан ташқари Афғонистон, Россия, Литва, Туркия, Украина, Озарбайжон, Хитой ва Эрон давлатлари ҳисобига кенгайтирилди.

Қурилиш материалларининг асосий экспорти қўшни республикалар бозорлари ҳисобланади. Ушбу давлатларнинг умумий экспортдаги улуши қарийб

71 фоизни ташкил этмоқда. Хусусан, давлатлар кесимида Қозғистонга – 138,6 млн АҚШ долларилик, Қирғизистонга – 64,2 млн АҚШ долларилик, Тожикистонга – 44,5 млн АҚШ долларилик, Туркменистонга – 17,3 млн АҚШ долларилик, Афғонистонга – 1,8 млн АҚШ долларилик, Россияга – 43,1 млн АҚШ долларилик, Литвага – 14,5 млн АҚШ долларилик, Туркияга – 7,4 млн АҚШ долларилик, Украинага – 2,5 млн АҚШ долларилик, Озарбайжонга – 6,2 млн АҚШ долларилик қурилиш материаллари экспорти амалга оширилган.

Ўз мухбиримиз.

Ўзбекистон кўмагида Мозори-Шариф халқаро аэропорти қайта тикланди

1-бет

Техник таъминлаш йўналиши бўйича Мозори-Шариф аэродромининг учинчи йўналиш йўлига қўлланма, ҳаво кемалари учун бурилиш йўлаклари ва тўхтаб туриш жойларидаги белгилар бўёғи тўлиқ янгиланган. Қолаверса, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ томонидан ҳудуднинг электр ва ёруғлик-техник таъминоти замонавий талаб даражасига келтирилган.

Афғон томони вакиллари биродарлик риштасини мустаҳкамлашга асосланган мазкур ташаббуслар Ўзбекистон томонидан қўшни мамлакатлар билан дўстона, ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатини мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган савдо-иқтисодий алоқа фаол суръатда жадаллашаётгани мамнуният билан қайд этилди. Ўтган 9 ой давомида мамлакатларимиз ўзаро махсулот ва хизмат айирбошлаш ҳажми 3,1 миллион тоннани ташкил этди. Бундан ташқари, трансфонтон йўлига Шимолдан ва Жанубдан Шарқий Осиё давлатларидан жанубга юк ташвиш имконини берди.

“Термиз – Мозори-Шариф – Кобул – Пешовар” темир йўли қурилиши лойиҳаси ҳам шерикликни мустаҳкамлаши

лаштириш, хавфсизликни таъминлаш, тинчлик музокараларини илгари суриш борасидаги савдо-иқтисодий алоқа фаол суръатда жадаллашаётгани мамнуният билан қайд этилди. Ўтган 9 ой давомида мамлакатларимиз ўзаро махсулот ва хизмат айирбошлаш ҳажми 3,1 миллион тоннани ташкил этди. Бундан ташқари, трансфонтон йўлига Шимолдан ва Жанубдан Шарқий Осиё давлатларидан жанубга юк ташвиш имконини берди.

“Термиз – Мозори-Шариф – Кобул – Пешовар” темир йўли қурилиши лойиҳаси ҳам шерикликни мустаҳкамлаши

табiiй. Экспертлар фикрича, бу Афғонистонни қайта тиклаш ва бутун минтақани ривожлантиришда стратегик аҳамиятга эга лойиҳа ҳисобланади.

– Мамлакатларимизни азал-азалдан ўхшаш тил, умумий муқаддас дин ва муштарак маънавий қадриятлар бирлаштириб туради, – деди Ўзбекистон транспорт вазири Илҳом Маҳкамов. – Мозори-Шариф аэропорти фаолиятини қайта тиклаш бўйича ҳамкорликда амалга оширилган чора-тадбирлар Афғонистоннинг иқтисодий ривожланишига кўмаклашиш, бу заминдан амалга оширилаётган парвозлар хавфсизлигини таъминлаш ва аэропортнинг самарадорлигини янада ошириш йўлида муҳим қadam бўлади.

Делегациямизнинг муборак шаҳар – Мозори-Шарифга ташири аэропорт электр таъминотини бошқариш пункти очилиш маросимидаги иштироки билан давом этди. Икки томон транспорт вазири афғон халқига, Мозори-Шариф аэропортига техник воситалар етказиб бериш йўли билан амалга оширилди.

Хулоса шуки, кўп йиллик тарихга эга Ўзбекистон – Афғонистон муносабати маданият, урф-одат ва анъаналардаги яқинлик, муштаракликка асосланган сиёсий шериклик ҳамда иқтисодий соҳаларда фаоллашиб бораётган. Энди Мозори-Шариф аэропортидан маҳаллий ва хорижий ҳаво қатнови яна жонланиди. Бу, ўз навбатида, ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига салмоқли ҳисса қўшади.

етук мутахассислар Афғонистоннинг мазкур аэропортига жалб қилинди. Уларнинг ёрдами билан аэропортнинг учинчи йўлига, бурилиш йўлаклари, ҳаво кемаси тураргоҳларидаги мавжуд нуқсонлар, камчиликлар бартараф этилди.

Учинчи йўлнинг ёритиш-сигнал мосламалари ҳам таъмирланди. Натижада аэропорт тунги пайтда ҳам, ноқулай об-ҳаво шароитида ҳам парвозларни қабул қила олиш имконига эга бўлди. Яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, куз ва қиш мавсумига тўлиқ тайёргарлик қўриш бўйича амалий ёрдам кўрсатилди. Бу кўмак Ўзбекистон томонидан биродар афғон халқига, Мозори-Шариф аэропортига техник воситалар етказиб бериш йўли билан амалга оширилди.

Хулоса шуки, кўп йиллик тарихга эга Ўзбекистон – Афғонистон муносабати маданият, урф-одат ва анъаналардаги яқинлик, муштаракликка асосланган сиёсий шериклик ҳамда иқтисодий соҳаларда фаоллашиб бораётган. Энди Мозори-Шариф аэропортидан маҳаллий ва хорижий ҳаво қатнови яна жонланиди. Бу, ўз навбатида, ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига салмоқли ҳисса қўшади.

РИВОЖЛАНАЁТГАН ШАҲАРСОЗЛИК ЮРТИМИЗ КЕЛАЖАГИНИ ЯРАТИШДА МУҲИМ ҲИСОБА

1-бет

Қолаверса, пойтахтимизнинг ҳам чиройи кундан-кун очилиб, кўп қаватли, замонавий бинолар қад ростлаяпти. Айнан Тошкент шаҳрида ҳам қурилиш дастурлари режалаштирилган бўлиб, яқин йилларда азиям пойтахт дунё мегаполисларида бирига айланиши кўзда тутилмоқда. Бунинг учун анча салмоқли ишлар амалга оширилди.

– Тошкентни ривожлантириш учун истиқболли режаларимиз кўп, – деди “Тошкентбошланг” ДУК шаҳарсозлик ва илмий лойиҳалар бўйича бош директор ўринбосари Саидзамин Шарипов. – Улардан энг асосийи, шаҳар аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш, уларнинг саломатлигига таъсир кўрсатадиган зарарли омилларни камайтиришни режалаштириш. Бунда экология ва ҳаво ҳароратига эътибор қаратилган. Мана шу жиҳатни ўрганиб чиққанамизда шундай натижага эришдикки, шаҳардаги яшил ҳудудларда ўртача ҳаво ҳарорати бошқа жойларга қараганда беш даражада паст экан. Бу шаҳар учун жуда катта ютуқ. Демак, шаҳарни асосан яшил ҳудудлар билан тўлдириб энг яхши ечим. Яна бир тақдиримиз, ҳудудларда микроурмонлар ташкил қилишдир. Буларнинг барчаси шаҳарни яшиллатишга имкон берадиган омиллардир.

Республикамизнинг деярли барча ҳудудларида жаҳон талабларига мос ва замонавий иморатлар ҳамда яшаш учун қулай бўлган ақлли шаҳарчалар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Бу ишларда “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК архитекторларининг хизмати бекиёс.

– Юртимиздаги 12 та ҳудуд ва Қорақалпоғистон Республикасидаги шаҳар ҳамда шаҳарчаларнинг бош режаларини ишлаб чиқиш билан шуғулланамиз, – деди “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК директори ўринбосари Абдуғани Нафасов. – Бош режаларда шаҳарларнинг келгусидаги 20 йиллиги белгилаб берилади. Яъни, келажакда ҳудуд қайси томонга қараб ривожланиши, уларда қуриладиган бино-иншоотлар, ижтимоий соҳа объектлари, жамоат бинолари ва истироҳат боғлари қаерда жойлашиши бўйича ҳар бирининг белгиланган меъёрий қоидалари бор. Таъкилотимизда 2021 йил 49 та шаҳар, шаҳарча ва аҳоли яшаш пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари яъни, бош режалари ишлаб чиқилган. 2022 йилда эса 28 та шаҳар ва шаҳарчаларнинг бош режалари ҳамда чегара чизиқлари лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.

Соҳамиз асосан, чет давлатлар билан ҳамкорликда ишлаш, уларнинг тажрибасини ўрганишни талаб қилади. Шу боис, ходимларимиз малака ошириш ва қисқа муддатли тажриба алмашиш учун Туркия, Нидерландия, Бирлашган Араб Амирликлари, Германия, Жанубий Корея, Франция каби давлатларга юборилмоқда. Бундан ташқари, ходимлар билим олиб, жаҳон тажрибасини ўрганиб қайтиши учун мабсурутатурада ўқиш ва илмий ишлар яратиши учун Польша ва Италия давлатларига юборилган. Бунинг натижасида, ташкилотимиз чет элда қилинаётган лойиҳа ишлари билан танишиб, республикамиздаги лойиҳа институтлари даражасини ҳам жаҳон талаблари даражасига жавоб беришига имкон яратилди.

Бир сўз билан айтганда, ривожланаётган шаҳарсозлик, архитектура ҳамда улкан бунёдкорлик ишлари замирида энг аввало, юрт тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги мувожаасан. Ҳудудларда қад ростлаётган шинам уй-жойлар ва ижтимоий соҳа объектлари эса бунга яққол мисолдир.

МУҲИМ МАВЗУДА СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

Латофат ЮСУБОВА, ТАҚИ матбуот котиби.

ТАҚИда Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш халқаро кўни муносабати билан “Биз зўравонликка қаршимиз” мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.



зўравонликнинг олдини олиш ва ижтимоий реабилитация қилиш ишларини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси Т. Ҳатамов томонидан таъйин қилинган жабрланган хотин-қизларга берилган ҳимоя ордерлари, улар билан олиб борилаётган ҳуқуқий-ижтимоий ёрдамлар, қолаверса, профилактик ҳисобда турганлар билан ўтказилаётган яқка тартибдаги тарбиявий ишлар тўғрисида тушунчалар берилди. Шунингдек, бошқа бир қанча мутахассислар ҳам

сўзга чиқиб, ўз фаолиятлари ҳақида гапириб беришди.

Тадбир якунида Хотин-қизларни таъйин қилинган ҳимоя қилиш бўлимига таъйинланган видеоролик намойиш қилиниб, мавзу муҳокама этилди.

“ТОШКЕНТ – БАРҚАРОР ШАҲАР”

Наргиза МИРЌУБОВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Тошкентдаги Турин политехника университетига ана шу мавзуда ташкил этилган халқаро семинарда Италия элчихонаси вакиллари, хорижлик компания раҳбарлари, шаҳарсозлик бўйича чет эл экспертлари, шунингдек, Қурилиш вазирилик мутахассислари, Тошкент архитектура-қурилиш институти ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирок этишди.



Унда шаҳарсозлик жараёнларида хориж тажрибаси кенг ўрганилиб, юртимизнинг шаҳарлари, хусусан пойтахт Тошкентни барқарор масканга айлантириш масалалари атрофида қўриб чиқилди.

– Бугунги кунда мамлакатимизда қурилиш соҳаси жадаллик билан ривожланиб бормоқда, – деди Тошкентдаги Турин политехника университетининг Архитектура ва қурилиш кафедраси мудири Саидисломхон Усмонов. – Шаҳарларни барқарор ривожлантиришда шаҳарсозлик, қурилиш ва архитектура меъёрига риоя қилиш зарур. Семинар доирасида бу борада Италия тажрибаси кенг ўрганилди. Италиялик мутахассисларнинг фикрлари, ташаббус ва қарашлари билан танишидик.

Тақдиротлардан шунингдан ташқари, шаҳарсозликда экологик масалаларга катта эътибор қаратилади. Барқарор шаҳарни ривожлантиришда эса айнан экологик муаммоларнинг ечимлари асосий урғу берилади. Ўзаро тақдирот ва фикрлар алмашиш асосида биз маҳаллий мутахассислар ҳам ўзимизнинг тақдиротларимиз билан иштирок этдик. Масалан, маданий мерос объектлари жойлашган қадимий шаҳарларни барқарор ривожлантиришга қаратилган чиқишим уларда катта таассурот қолдирди.

– Семинарда ўзининг маърузам билан иштирок этдим, – деди Тошкент архитектура-қурилиш институти илмий тадқиқотчиси

Динара Назарова. – Унда юртимиз шаҳарларининг барқарор ривожланиш жараёнлари, таъминоти, тарихий қиёфаси, таркибий тузилмаларини ўрганишга ҳаракат қилдим. Бугунги кунда экологик, ижтимоий-иқтисодий муаммоларини шаҳар миқёсида ечиш йўллари ва унинг аҳамияти ҳақида сўз юритдим. Жаҳоннинг “Барқарор ривожланиш” концепциясининг асосий принциплари, унинг тартиб-тамойиллари ва шартлари хусусида ҳам фикрлашиб олиш асосида, айнан бу борада хориж тажрибасини ўрганидик. Яъни, аҳолини уй-жой билан таъминлаш орқали экологик

ва ижтимоий муаммоларга янги ечим топиш. Ушбу семинар айниқса, талабалар учун, бўлажак архитектор ва қурилиш соҳаси мутахассислари учун жуда фойдали бўлди, деб ҳисоблайман.

Ўз навбатида италиялик соҳа вакиллари ҳам ўзларини қизқартириб тақдиротларини йиғилганлар эътиборига ҳавола қилишди. Ўзаро фикр ва тажриба алмашиш майдонини яратган мазкур халқаро семинар шунингдек, бир қатор хориж давлатларидан экспертлар онлайн тарзда кузатиб, ўз фикрларини билдириш имкониятига эга бўлишди.

Таълим масканлари ишга тушди

Шухрат НОРМУРОДОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Сўнгги йилларда мактабгача таълим соҳасида амалга оширилаётган тўғри йўналишнинг сифатини ошириш ҳамда замон талаблари асосида ташкил этишга ҳизмат қилмоқда. Айниқса, янгидан ишга тушаётган орқали болажонларнинг бирламчи бўлини бўлган қамров даражаси ошиб бораётган.

топширилди. Туман маркази – Еттитом шаҳарчасидаги “Олтин дала” МФЙ ҳудудида фойдаланишга топширилган 7-сонли ДМТТ Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ҳомиyliги асосида қурилган бўлиб, у 120 нафар болажонларни ўз бағрига олади.

Унинг очилиш маросимида вилоят ҳамда туман ҳокимлари, вилоят прокуровори иштирок этишди. Замонавий бинода болажонлар учун барча шароитлар яратилган бўлиб, қўшимча равишда рус ва инглиз тиллари, ментал арифметика, хореография, расм ҳамда бадиий гимнастика сингари кўплаб тўғараклар ташкил этилган.

Шунингдек, Қарши туманида ҳам худди шундай маскан қурилиб, фойдаланишга топширилгани барчани хушнуд этди. Таълим маскани



Қашқадарё вилоятида ҳам янги қуриладиган боғчалар ҳудудларида мактабгача таълим қамровини янада ошишига ҳисса қўшапти. Янги ташкил этилган Қўқдала туманида яна битта ана шундай муассаса фойдаланишга

4,5 млрд сўм маблағ эвазига бунёд этилиб, ўз бағрига 180 нафар тарбияланувчини сиғдира олади. Бу каби таълим масканлари жаҳон таълим стандартлари талабига мослашгани билан аҳамиятлидир.

ЛОЙИҲА ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ



Тошкентда “Valor Hospitality Partners” меҳмонхона бошқарув компанияси билан “Deutsche Hospitality” компаниялари ҳамкорлигида “Intercityhotel Tashkent” янги халқаро меҳмонхона бренди тақдироти бўлиб ўтди. Туризм ва маданий мерос вазирилик кўмагида ташкил этилган тадбирда Туризм ва маданий мерос вазириликнинг туризм хизматларини сертифицилаш маркази маъсуллари, хорижлик қурувчи-тадбиркорлар, меҳмонхона бизнеси доира вакиллари, ОАВ ҳодимлари иштирок этди.

Тақдиротда сўзга чиққанлар мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришда катта савдо-иқтисодий аҳамиятига эга бўлишига ҳамда Ўзбекистонда меҳмонхоналар сони ошиб бораётганини алоҳида таъкидлашди.

“Deutsche Hospitality” вице-президенти Зигфрид Нийерхаус ҳамкорлик учун нега айнан Тошкент танланганига қуйидагича тушунча берди:

– Кўп давлатларни ўрганидик. Ҳар хил омилларни таҳлил қилдик ва амин бўлдикки, Тошкент меҳмонхона очилиш учун энг ишончли ҳамкор ва энг қулай жой экан. Тошкентдаги шароитлар, бугунги ривожланиш менга жуда ёқди. Бунинг учун Президент Шавкат Мирзиёевга ҳамда Туризм ва маданий мерос вазириликка миннатдорлик билдираман.

“Valor Hospitality Partners” таъсисчиси ва бошқарув ҳамқори Жулиен Бергуге меҳмонхона бизнеси соҳасида 20 йилдан ортиқ тажрибаси бор ва 40 дан ортиқ меҳмонхона қурган мутахассис сифатида бу галли лойиҳа ҳам ўзини оқлашини ва Янги Ўзбекистоннинг бир бўлағига айланганига умид қилишини айтиб ўтди.

Қайд этиш керакки, “Intercityhotel Tashkent” меҳмонхонаси Тошкент шаҳрининг Миробод туманида жойлашган бўлиб, 2023 йилнинг 1-чорагида очилиши режалаштирилган. Меҳмонхона замонавий интерьерга эга 122 та турли даражадаги номерлар, 7 та ресторан,

бизнес тадбирлар ёки форумларга мўлжалланган конференц зали, бассейн, спорт зали ва бошқа хизмат турларини қамраб олади. Шу билан бирга, меҳмонхонада 160 га яқин янги иш ўрни ташкил қилинади. Маълумот учун, Ўзбекистон Республикаси Вазирилик Маҳкамасининг 433-сонли қарори билан тасдиқланган “Инвесторларга янги меҳмонхона қуриш ва уни жиҳозлаш учун субсидия ажратиш ҳамда ташкилотларни франчайзинг тўғрисидаги шартнома асосида қисман молиялаштириш учун давлат бюджетидан маблағ ажратиш тартиби ҳақидаги Низом”га мувофиқ танқили ва нуфузли меҳмонхона брендларидан фойдаланиш ва мазкур брендлар томонидан меҳмонхоналарни бошқариш бўйича франчайзинг тўғрисида шартномалар тузилган тақдирда мазкур харажатлар давлат томонидан қисман молиялаштирилади.

– Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши халқимизни дунё ҳамжамиятига кириб боришида бизнинг ҳам ҳиссамиз борлигини мамнунмиз, – деди Globus Hotel МЧЖ раҳбари, меҳмонхона таъсисчиларидан бири Раҳматилла Раҳметов. – Иккита йирик брендининг кўп йиллик тажрибаси Ўзбекистонга жалб қилинаётгани эътиборга молик. Бир қатор йирик пудрат ва лойиҳа ташкилотлари билан ҳамкорликда қурилиш ишларини олиб бораёмиз. Қурилиш ишларини 2019 йилда бошлагандик. Лекин, ўртадаги пандемия шароитига юз тутганимиз ва дунёда бўлаётган баъзи бир ўзгаришлар сабабли логистика масалаларида ҳам муаммолар вужудга келди. Ҳозирда ушбу муаммолар бартараф этилиб, қурилиш ишлари жадал олиб боришмоқда.

Янги меҳмонхонанинг барпо этилиши янги иш ўринларининг яратилишига сабаб бўлиб, аҳоли фаровонлигига ижодий таъсир кўрсатиши баробарида сайёҳларни юртимизга жалб этиш орқали туризм соҳасининг янада тараққиёти этишига замин яратади.

Ўз муҳбиримиз.

МАРҲАМАТ ТУМАНИ ЭНГ НАМУНАЛИ ҲУДУДЛАРДАН БИРИГА АЙЛАНАДИ



Зиё СИРОЖ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Асака туманини ортда қолдириб, Марҳамат сари қадам босган захотингиз йўлининг кенг ва раволиги эътиборингизни тортди. Бизга ҳамроҳлик қилган туман ҳокимининг ўринбосари Дилхушбек Исмоиловнинг айтишича, ҳудуддаги бунёдкорлик ишлари энг аввало, йўл қурилиши ва таъмиридан бошланар экан.

— Ана шу мақсадда жорий йилнинг ўзида "Шаҳрихон-Асака-Марҳамат-Қизилқия", "Марғилон-Қува-Марҳамат-Аравон", "Хўжаобод-Булоқбоши-Кулла-Ўқчи" автомобиль йўлларида 5 километр масофада таъмирлаш ишлари амалга оширилди, — деди Дилхушбек. — Қолаверса, унга ёндosh бўлган маҳаллаларо автомобиль йўли соз ҳолатга келтирилди. Бугун туманининг қай ҳудудда бўлманг, сизни манзилга равон йўллар бошлаб боради. Боиси, нотекис ҳудуднинг ўзи қолмади.

Йўл таъмири нафақат марказий ҳудудларда, балки, ички кўчаларда ҳам кенг кўламда олиб борилаётгани қувонarliдир. Зеро, ёзда чанг, қишда лой кўчаларни замонавий йўлларга айлантириш вақти келди.

— Ёзда-ку, билинмайди, бироқ ёгин-сочинли кунларда маҳалламизда юриш муаммолари келтириб чиқарар эди, — деди "Бирлик" МФИда истиқомат қилувчи Абдурахим ака Отаназаров. — Ҳокимият вакиллари келиб, маҳалладаги вазиятни ўргана бошлаганларида ҳам у қадар ишонмаган эдик. Ахир, сўнгги 30-40 йилдан буён ўзгариш бўлмаган кўчаларда бу каби бунёдкорлик ишларининг бажарилиши хаёлимизга келмаганди-да! Ҳайратимизни яшириб улгурмасимиздан кўчаларимиз ўрнида бетон қоримали замонавий йўл барпо этилди. Бу каби манзилларни тўғриси,

телевизордагина кўра эдик. Ҳайратимиз ҳавасга айланди!

Дарҳақиқат, туманда ички кўчаларни асфальтлаш ва бетон қоримали билан қоплаш ишларига жадал киришилган. Шу кунгача 11 та МФИдаги 31,2 километр масофада таъмирлаш, янгитдан барпо этиш ишлари олиб борилди. Йил якунига қадр чанг, лой ва шағал ётқизилган кўчалар тарих саҳифасида қолиши учун барча чоралар кўрилмоқда.



Марҳамат тумани аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги шароити оғир ҳудудлардан бири эди. Шу боис, сув қурилиши ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида жорий йилнинг ўзида 23 та маҳаллада 40,52 километр сув тармоғи тортилиб, 8 та сув қудуғи қурилди. Бундан энг аввало, истеъмолчилар миннатдор!

— Авваллари сувни маълум масофадан ташиб келишимизга тўғри келганди, — деди Дурафшон маҳалласида истиқомат қилувчи Санобархон Нуралиева. — Баъзан ариқдаги сувни истеъмол қилишимизга ҳам тўғри келган. Сув бунёдкорлиги ишларидан сўнг барча муаммоларимиз ортда қолди. Ҳозир



ҳар бир хонадонга сув жўмраклари олиб кирилди.

Айни пайтда туманда сув тозалаш иншооти қурилиши ишлари жадал давом этмоқда. Лойиҳа фойдаланишга топширилган, ҳудудларни сувлантириш борасидаги ишлар кўлами янада ортади. Яна бир қувонarli ҳолат шундаки, туманда оқова сув хизмати кўрсатиш борасида ҳам хайрли ишларга қўл урилган. Бунинг учун 2020-2022 йилларда амалга оширилиши мўҳим бўлган вазифалар дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унга биноан шу кунгача 18,5 километр масофага оқова сув тармоғини тортиш ишлари якунига етказилди.

Куз-қиш мавсуми яқинлашгани сари қишлоқ аҳолисини табиий газ таъминотидаги вазият ташвишга солиши сир эмас.

Туманда амалга оширилаётган бунёдкорлик ҳаракатлари ижтимоий соҳа инфратузилмасини яхшилашга ҳам хизмат қилмоқда. Мисол учун, "Бирлик" МФИда жойлашган 2-умумтаълим мактабини олайлик. Ушбу таълим маскани 1985 йилда қурилган бўлиб, айни пайтда таъмирталаб ҳолатга келиб қолган эди.

— Энг ачинарлиси, ҳудудда ўқувчилар сони кўп, мактаб эса 330 ўринли эди, — деди шу мактаб директори Бахтиёржон Усмонов. — Айни пайтда эски бинода 3,7 млрд сўмлик лойиҳа ишлари бажарилмоқда. Ҳозирда "Элегантстрой Элит" МЧЖ томонидан мукамал таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Синф хоналари, спорт зали ва ошхона замонавий шарт-шароитларга эга бўлмоқда. Янгидан қурилиши бошланган 120 ўринли ўқув биноси фойдаланишга топширилган, маҳалладаги ўқувчиларнинг таълим олиш сифати янада яхшиланади.

Фафур Ғулом номидаги маҳалла ўраминида фаолият юритиб келган 12 мактабгача таълим ташкилотини бугунги кун талабларига жавоб берувчи масканга айлантириш учун уни бузиб, қайтадан қуришга тўғри келди. Ҳозирда "Янги замон" МЧЖ томонидан бунёд этилган 120 ўринли масканда сўнгги пардозлаш ишлари олиб бориляпти.

— Бунинг учун 35 нафар тажрибали ишчиларимиз жалб қилинган, — деди қурилиш ташкилоти иш юритувчиси Аҳаджон Сайфудинов. — Бинони барпо этишда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тақдим этилган ва ҳар қандай иқлим шароитига жавоб берувчи хомашё ва қурилиш маҳсулотларидан фойдаландик. Ноябрь ойи якунига қадр қурилиш ишлари тугатилиб, лойиҳа фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

Қишлоқ ҳудудларида энг катта муаммолардан бири экин майдонларини оқин сув билан таъминлаш масаласидир. Афсуски, бу долзарб мавзу Марҳамат туманига ҳам бегона эмас. Қишлоқ ҳўжалигининг "қон томири" аталмиш ариқларни соз ҳолатга келтириш ишлари йил давомида назоратда эканлиги ҳам бунга мисолдир. Ҳозирга қадр 6 млрд 23 млн сўм маблағ эвазига "Жалақудук ДУК" МЧЖ томонидан 5,3 километр масофадаги янги каналнинг барпо этилиши "Машъал" ҳамда "Пахтакор" массивларидаги экинларни суғориш билан боғлиқ муаммоларга чек қўйди. Шунингдек, 2,5 километр ариқларни таъмирлаш ишлари бажарилди.


Биз турли манзилларда бўлиб, бунёдкорлик ишлари билан танишар эканмиз, шунингдек, кўп қаватли турар жой биноларини мавсумга тайёрлаш, марказий кўчаларни ободонлаштириш, янги иншоотларни барпо этиш жараёнларига ҳам гувоҳ бўлдик. Буларнинг барчаси марҳаматлик замонашларимизнинг турмуш шароитини яхшилаш борасидаги саяёҳаракатлари ифодаси эканлиги қувонarli, албатта. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Марҳамат тумани тез орада республикамизда энг намунали ҳудудлардан бирига айланиши, шубҳасиз. Зеро, бугунги бунёдкорлик ишлари шундан далолатдир.



Оқтош ва Мирбозор шаҳарчаларининг бош режа лойиҳаси муҳокама қилинди

Сарвар БОБОНАЗАРОВ,
Самарқанд вилояти қурилиш бош бошқармаси
Ахборот хизмати раҳбари.

Вилоят қурилиш бош бошқармасида "ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДУК мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган Нарпай туманидаги Оқтош ва Мирбозор шаҳарчаларининг дастлабки бош режа лойиҳаси тақдимоти бўлиб ўтди.



Тақдимотда вилоятнинг мутасадди ташкилотлари вакиллари, Нарпай тумани ҳокими ўринбосари ва бош архитектори иштирок этиб, зарурий объектларни лойиҳага киритиш юзасидан ўз фикрларини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги ПҚ-3502-сонли қарори, Қурилиш вазирлиги томонидан тасдиқланган 2022 йилда ишлаб чиқиши белгиланган аҳоли

пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари "Манзилли рўйхати" ҳамда Самарқанд вилояти қурилиш бош бошқармасининг 2022 йил 25 мартдаги 01-512/22-сон буюртма хатига асосан бош лойиҳа институти томонидан ишлаб чиқилган ўшбу лойиҳа мутахассисларнинг қизгин муҳокамасига сабаб бўлди. Бош режа бўйича соҳа вакиллари асосли таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

"ЯШИЛ МАКОН" УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ АМАЛДА!

"Долзарб 40 кунлик" долзарб ўтади

"Обод қишлоқ" ҳамда "Обод маҳалла" дастури доирасида ҳудудлар ободликка юз тутиб, қишлоқ ва маҳаллалар аҳолисининг кўплаб муаммолари барҳам топмоқда. Жорий йилнинг 11 октябр кунини маҳаллаларни янада обод қилиш ва аҳолини ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш бўйича устувор вазифалар юзасидан давлатимиз раҳбари раислигида ўтган видеоселектор йиғилишида бу борадаги ишларни янада кенгайтиришга эътибор қаратилиб, жойлардаги мутасаддиларга топшириқлар берилди.



Тадбир жараёнида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида жорий йил охиригача республикамиз бўйича 75 миллион дона, келгуси йил баҳор ойларида эса яна 125 миллион дона мевали ва манзарали кўчатлар экиш вазифаси қўйилди. Ўтган йилги бу борадаги тажрибалардан келиб чиқиб, 20 октябрдан 1 декабрга қадр кўчат экиш бўйича "долзарб 40 кунлик" эълон қилинди.

Кўчат экиб, уни парваришлаш анча нозик масалалар сирасига қиради. Бу фикрларни бекорга айтмаймиз. Маълумотларга қараганда, ўтган мавсумда "Яшил макон" умуммиллий акцияси доирасида ҳақиқатда экилган 6,2 млн дона кўчат ҳисоботларга қўшиб ёзилган. 3,4 млн дона кўчат эса суғориш тизими бўлмаган жойларга экилган. Бундан ташқари, 2,4 млн дона кўчат қаровсиз, сувсизлик ва етарли парвариш бўлмагани натижасида баҳор тугамасдан қуриб қолган. Шунингдек, ерларнинг балл баннети ҳамда табиий иқлим хусусиятлари инобатга олинмаган ҳолда 341 минг дона кўчат ишлов берилмаган яроқсиз ҳолдаги ерларга экилган.

Айтиш жоизки, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини ҳаётга оқилона татбиқ қилиш юзасидан жойларда жиддий ишга киришилди. Жумладан, Ҳўжайли туманидаги "Саманкўл" овул

фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган давлат ўрмон ҳўжалиги тажриба майдонида 40 кунлик давомда дарахт кўчатларини экиш ва уларни парваришлаш, суғориш тизимларини ташкил этиш масалалари юзасидан туман ва шаҳарлар мутахассислари иштирокида тадбир уюштирилди.

Унда кўчатларнинг хусусиятлари, уларни экиш, суғориш тартиби, ўғитлаш, парваришлаш жараёнлари, Орлобўйи минтақаси иқлим шароитига мос янги ўсимлик турларини маҳаллийлаштириш ҳамда уларнинг шўрга чидамли турларини кўпайтириш, экиладиган кўчатларни касаллик ва зараркундалардан асрашга эътибор қаратилди, бу борада тўпланган тажрибалар амалиётга кенг татбиқ этиладиган бўлди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, белгилаб берилган вазифалар асосида Қорақалпоғистон Республикасида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳар бир ҳудуднинг маҳаллий иқлим шароитига мос 14 миллион дона дарахт ва бута кўчатини экиш режалаштирилган бўлиб, 2021 йил куз мавсумида 6 миллион 512 минг дона, жорий йилнинг баҳоридан 8 миллион 952 минг дона турли илгага мевали ва манзарали кўчатлар ерга қадалганди.

Ўз мухбиримиз.

"АВТО ЛЮКС" МЧЖ томонидан 2022 йил 2 июнда Қудратиллаев Сирожиiddин номига берилган АА477195 йулланма (сертификат) йўқолгани сабабли бекор қилинади.

ЗАМОН ТЕГРАСИДАГИ ЎЙЛАР

Ойгул КАЖАНОВА,
журналист.

Вақт доимо югурик. Шиддатли ҳаёт ила етаклашганча умр чархпалагини айлантриб юбораверади. Яқинда лотин ёзувидаги ўзбек алифбоси қабул қилинганга 29 йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1993 йилнинг 2 сентябрида "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Қонунни қабул қилди. 2019 йил 21 октябрда Президентимизнинг "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилингани миллий тилимизнинг нуфузи ошишига хизмат қилмоқда.

Шунингдек, 21 октябрь – Ўзбек тили байрами сифатида нишонланиши барчани бирдай хурсанд қилди. Бироқ Қонунлар ижроси, лотин алифбосида хат-савод чиқарган авлоднинг тақдир ҳақида бироз мушоҳада юритсак. Демак, шу йилларда лотин алифбосида таълим олаётган, яъни, бир авлод ёшлари айни навқирон паллага тўғри келаятгани аниқ. Икки авлод ўртасидаги кечмиш ва қабул қилиш жараёнлари миллат бошидан ўтди. Яъни, катта авлод кириллда хат-саводни ўқиган бўлса, янги авлод эса янгича алифбони мукаммал ўрганаётганига шубҳа қилмас ҳам бўлади.

Ёшларнинг ушбу алифбо орқали билим-савияси, қамровини ошириш учун кўпгина адабиётлар чоп этилди. Янги алифбо орқали юртимизнинг олис ва яқин ўтмиш тарихини билиши, аждогла-

римизнинг бой меросидан, адабий-бадий, илмий асарларидан баҳраманд бўлиш имкониятларига эга бўлиши учун кенг кўламда лотин алифбосида адабиётлар ўғирмаси йўлга қўйилди. Бироқ бир савол ҳамон қийнади? Халқимизнинг кўп асрлар давомидаги миллий анъаналари, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаётини яхши билишлари учун етарли ишлар бажарилдими? Миллатнинг бойлиги бўлган маданий бойликларимизни ҳозирги ёзувга утказиш учун қилинаётган саъй-ҳаракатлар нақадар кераклиги долзарб бўлиб турибди. Чунки бугунги авлод ўтмиш меросимиздан узилиб қолмаслиги бизнинг ёзув масаласи билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

ЎЛҲАМЛАРНИ ЎЛҲАМ ҚИЛГАН ЁЗУВ

Ёзув "гапироди" қачон? У инсон томонидан яратилган мўъжиза, кашфиёт. Миллатнинг белгиси, уни миллат сифатида йиллар давомида асраб қолиш учун, тарихда қолишни таъминловчи восита.

Ёзув миллатнинг фикрини, ўзлигини, илгор ғоясини бирлаштирган ҳолда бошқаларга узатиш воситаси сифатида "гапироди". Мисол учун. Атоқли шоиримиз Абдулла Орипов бошидан ўтган воқеани келтириб ўтсак. Данте Алигерининг "Илохий комедия" поэмаси таржима қилганда миллат рамзи бўлган ёзувнинг нақадар кучли жиҳатини очиб берган. Дантенинг "Илохий комедия"си "Дўзах" қисми таржимасини муарраж асарнинг мумтоз италян тили рўжиятини мумтоз туркий шэърини тил орқали ифодалайди. Шунингдек, туркий мумтоз адабий тили замонавий

руҳ бериб, жозибали оҳанг ила ўқувчиға матнни тўла тушунмоғи учун зўр имкон яратади. Бу эса том маънодаги бадий таржима мўъжизасидир.

Аждодларимиздан шундай нақл қолган. "Илм ов қилиб тутилган жониворға ўхшайди, уни китобат (ёзиб қўйиш) билан боғлаб қўйилади". Яъни, китоб таржима қилинди. Кейинчалик у рус тилига ўғирилди. Ва яна бошқа тилга таржима этилди. Абдулла Орипов ўзининг сўз ва ёзув қудрати орқали жон минбарига баралла ўзбек тилида сўз сўзлади, юқори ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлди. Катта машаққат ила қилинган меҳнатнинг самараси – гўзал таржима орқали ёзилган ёзув миллат кўркини белгилди берди. Ўзбек дантешунос олими дея эътироф этилиши, бир миллат фарзанди тимсолида юртга бўлган эҳтиромдир.

ТИЛ ВА ЁЗУВ: АСРЛАР ОШАДИ

Инсоният пайдо бўлибдики, ўз фикрини баён этишга, мулоқот қилишга бўлган иштиёс билан яшайди. Тил бир алоқа воситаси сифатида шаклланиб, сўнгра уни ёзишга, ёзув шаклланишига бўлган ҳаракатлар тарихдан маълум. Ёзувнинг пайдо бўлиши ҳақида диний маълумотларга таянмаган бўлсак, бу Одам Атомнинг яратилиши даврига тақалади.

Ҳаким Термизий ривоятларига кўра, "Пайгамбаримиз Р.С.В. ривоят қилишлари, Одам алайҳиссаломдан кейин қалам билан ёзган биринчи шахс Идрис алайҳиссаломдир. У китоб ўргангани учун ҳам Идрис деб номланган."

Асрлар оша тарих зарварақларини varaқлар эканмиз, Урта Осиёда, яъни,

мамлакатимиз ҳудудларида алифболар миллоддан олдинги II минг йилликлар оралиғида бўлган дея айтилади, тарихчилар. Ёзувлар орасида Хоразм, Сўғд, Бақтр тилларининг алифбоси жуда кенг қўлланилган. Қадимда давлатчилик макомига эришишда ёзув катта роль ўйнаган. Бугунда ҳам бу қараш ўз салмоғини заррача ҳам йўқотмагандек, гўё.

"Авесто" ҳақида кўп гапираимиз. Қисман парчаларини ўқиймиз, аммо уни батафсил, кенг оммага тарғиб этиш учун асл "Авесто" ёзувини ўқийдиган мутахассис йўқлиги бугуннинг орғирки муаммоларидан биридир.

Тил ва ёзув борасидаги мунозаралар тўхтагани йўқ. Чунки бугунги кун ёшлари ўзга тили мукаммал ўрганиш билан машғул бир даврда ўзбек тилини ўрганишга бўлган иштиёқ бирмунча сезиларсиздек. Яна бир гап: орадан сўнгра йил ўтса-да, нима учун бошқа миллат вакиллари ўзбек тилини ўрганиши учун истак-хоҳиши уйғонмагани ёки ўзга миллат вакиллари тилимизни ўрганиши учун етарли адабиётлар мавжуд эмаслиги тўсиқ бўлаётми?

МИЛЛАТ ЮЗИ ЁЗУВ, КЎРКИ ЭСА ТИЛДИР

Бугун Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш асосий мақсадимиз экан, бу борада иккита мустаҳкам устунга, яъни, бозор тамойили тарихига асосланган кучли иқтисодий ҳамда аждодларимизнинг бой мероси, миллий ва умумбашарий ғояларга асосланган маънавиятга таянамиз. Маънавият – жамиятдаги барча сиёсий-ижтимоий муносабатларнинг мазмуни ва сифатини белгилайдиган пойдевордир.

"Бу пойдевор қанча мустаҳкам бўлса, халқимиз ҳам, давлатимиз ҳам шунча кучли бўлади. Фақатгина мана шундай заминга таянган ҳолда биз юртимизда Учинчи Ренессанс асосларини барпо эта оламиз", дея таъкидлайди давлатимиз раҳбари. Шу ўринда Жалолдин Румийнинг бир ҳикматини келтириб ўтиш жоиздир. "Гўзал кунлар келишини кутма, унга қараб бормоғингни унутма".

Маълумки, Ҳукуматнинг тегишли қарори билан 2023 йил 1 январдан бошлаб барча ташкилотларда иш юришида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига тўлиқ ўтилади. Расмий веб-сайтлар, маҳаллий ОАВ, интернет сайтлари, расмий ҳужжатлар ва иш қоғозлари ҳам тўлиқ лотин ёзувига ўтказилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳофизат учун ҳам лотин ёзувига асосланган ўзбек тилида эълон қилиниши керак бўлади. Барча ташкилотларда иш юритиш ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларни лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва эълон қилиш амалиёти тўлиқ жорий қилинади. Бу борада деярли анча ишлар қилинди. Фақат ҳар бир шахс ўз тилига бўлган эътиборни ўзидан, оиласидан бошласа, шунда жамият миқёсида тил тараннум этилади, қадрланади.

Давлат тилига ҳурматсизлик, миллий маданият ва қадриятларимизга белисандлик эса миллат нуқтаи назаридан саводсизлик даражасини ошиб кетаётганлигини аён этади. Аслида амалга оширилиши кутилаётган алифбо янгиланишлар, ўзгаришлар ва ислохотлар тил қадрлиниб, ёзув эса асрлар оша миллат юзи бўлиб қолишига хизмат қилиши керак.



ЎЗБЕКISTОН БУНЫОДКОРИ
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров (Тахрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов,
Эркин Исқандаров,
Ботир Зарипов,
Юлдаш Мағрупов,
Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов,
Қўдратбек Хошимбеков.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир уринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳиҳ **Марҳамат Муулмонқолова**

Газета «Ўзбекистон бунёдкори»
Наشريёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

ЎЗБЕКISTОН БУНЁДКОРИ НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш вазирлиги,
«Узсанокатуриллишматериаллари»
уюшмаси, «ЎзГШКЛИТИ» ДУҚ,
«УзшаҳарсозликЛИТИ» ДУҚ,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУҚ.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100011, Тошкент шаҳри,
Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар:
71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbyunyodkori@mail.ru

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ
ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-590-37-15.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-705-50-15
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 90-553-02-34.
Самарқанд вилояти: 99-560-30-45.
Сурхондарё вилояти: 91-981-61-63.
Фарғона вилояти: 90-230-85-23,
90-163-63-82.
Қашқадарё вилояти: 99-503-43-39.
Хоразм вилояти: 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Бюроғи – Г1143.
1851 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762.
Тахририятга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:
Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –
А. Ҳақбердиев.

Навбатчи – Р. Ҳужаева.

Ўза якуни – 21.25.
Тошпирилди – 22.10. 1 2 3 4 5 6

Газетанинг навбатдаги сони
2022 йил 8 ноябрь кунги чиқади.

ЯНГИЛАНГАН МИЛЛИЙ БОҒ

Эркин
ҲОЖИМУҲАММАД,
"O'zbekiston
bunyodkori"
муҳбири.

Пойтахтимизга ўзгача кўрк бағишлаб турган Миллий боғ мажмуаси 1932 йилда Тошкент аҳолиси томонидан ҳашир йўли билан қурилиб, кўп йиллар ҳалқнинг сеvimли маскани бўлиб келган.



Кейинги йиллар боғ ҳудудида турли бунёдкорликлар амалга оширилди. Хусусан, эски Миллий боғ ҳудуди ўрнида ҳозирда Адиблар хиёбони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси, Тошкент шаҳри тарихи музейи, "Magic city" кўнгилочар маркази барпо этилди. 2017 йилда боғ ҳукумат қарори билан реконструкция қилиш учун ёпилиб, 2021 йилнинг июнь ойида қайта очилди. Қўлининг бир қисмини замонавий типда қурилган фаввора эгаллаган. Қолганда эса турли дўконлар, кафе ва ресторанлар, аттракционлар билан бойитилган ушбу мажмуа асосан ёшларнинг манзилга айлангани янада қувонарлиқдир.

Мазкур боғнинг умумий майдони 21 гектардан зиёд бўлиб, ҳудудда улкан бунёдкорлик ишлари бажарилгани ҳам диққатга сазовор. Жумладан, мажмурий бино, кафе ва ресторанлар қурилиб, кўпик ҳамда йўллардан иборат 27 та шиноот фойдаланишга топширилди. Умумий майдони 40 минг квадрат метр бўлган сув ҳаажига қайта тикланди. Боғни сайр қилар киши янгиланган ҳар бир жиҳатга эътибор қаратила қўймайди. Унинг энг гавжум ва сеvimли гўшаси бу – қўлдири. Кимдир қайиқда сайр қилаётган бўлса, бошқаси шунчаки мусаффо сувга термулиб хаёл сурмоқда. Ёш-яланг эса доимгидек бу гўзал манзарани телефонлари хотирасига муҳрлаш билан банд.

Мутахассисларнинг айтишича, қўлдан сув сизиб чиқмаслиги ва лойқаланмаслиги учун унинг тубига махсус қопламалар ётқизилган ҳамда қирғоқлари тартибга келтирилиб, махсус чўмилиш

ҳавзаси ҳам ташкил этилган. Кўл атрофида экилган мингдан зиёд дарахт ва 200 мингга яқин бутта кўчатлари эса бу ерга янада табиийлик бағишлагани рол. Боғни қайта таъмирлаш учун 60 млн АҚШ доллари сарфланган ва унинг инвестори "Stargate Systems" МЧЖ ҳисобланади. Қурилиш ишлари "Discover Invest" компанияси томонидан амалга оширилган.

ЮРТДОШЛАРИМИЗ ҚАНДАЙ ФИКРДА?

– Янги Миллий боғнинг кўркини аъло даражада, – деди ёшлик даврининг энг сеvimли гўшаси ҳақида фикр билдирган Аббосхон Мавлонов. – Фақат илгари Комсомол кўли ҳозиргидан анча катта эди. Қайиқда бир айлиниб келганимизча кеч бўлганини сезмай қолардик. Ҳозир кўл майдони анча қисқарибди, аммо атрофи обод бўлиб, кўркамлашганидан қувондик. Талабали йилларимизнинг энг сурурили даврлари айнан шу боғда ўтган. Боғга келиб ўша гўзал хотираларимиз жонлангандек бўлди. Бамайлихотир сайр қилиб, дам оладиган жой бўлибди.

– Илгари бу ерларда турли мушоиралар, концерт тадбирлари тез-тез бўлиб ўтарди, – деди ўқитувчи Феруз Исломов. – Шу яқин атрофда талабалик пайтим ижарада турганман, кўлга яқин жойда жойлашган мадрасаларга бориб, меъморий ёдгорликлардаги нақшларни ўрганар эдик. Хуллас, кўл бўйида дарс қилиш кундалик одатимиз эди. Миллий боғ, ҳақиқатан ҳам ўз номига мос бўлибди. Ҳаттоки, боғ ҳудудида янграётган қўшиқлар ҳам ўша даврларни ёдга солгачи.

ҲУРЛИК КУЙЛАРИ

Ҳаммамиз ўша машҳур фильмлардаги "Гўзал Тошкент", "Ҳаёт" каби куй-кўшиқларни, ҳофизларимиз ижро этган ашуларларни яхши биламиз, уларни ҳар сафар ўзгача энтикиш билан тинглаймиз. Қалбимиздан чуқур жой олгани учун ҳам бу кўшиқлар қадри. Боғнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири сифатида шундай тароналар янграб туришини айтиш мумкин.

Таъкидланганидек, ҳали бу ерда аввалгидек мушоира ва концерт дастурлари ташкил қилиниб, янгидан-янги фильмлар суратга олинади. Қурилиш жараёнида шикаст етган ва қамайган дарахтлар ўрни эса ҳадемай янгиларига тўлдирилади, ана шунда бу боғ бунданда хушманзара маконга айланади.

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Ноябрь ойининг дастлабки кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги бош мутахассиси **Азамат Алиев**, раҳбар котибаси **Шаҳодат Қодирова**, ҳайдовчи **Шухрат Собиров**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси лаборанти **Саламат Атамуратов**, "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУҚ Қорақалпоғистон Республикаси филиали етакчи мутахассиси **Жангелди Турдимуратов**, ҳайдовчи **Парахат Алламбергенов**,

Андижон вилояти қурилиш бош бошқармаси бошлиғи **Рустамбек Ҳожибоев**, Қўрғонтепа тумани қурилиш бўлими бошлиғи – туман бош архитектори **Дилмурод Исмоилов**,

Бухоро вилояти қурилиш бош бошқармаси Туман ва шаҳар қурилиш бўлими фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Бекзод Амонов**,

Хоразм вилояти қурилиш бош бошқармаси шаҳарсозлик қонунчилигига риоя қилинишини назорати бўйича архитектор **Журъатбек Аллаберганов**, Ҳазорасп тумани қурилиш бўлими бошлиғи – туман бош архитектори **Фурқат Собиров**,

Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар қурилиш бўлими бошлиғи – бош архитектор **Рафқат Қурбоновларни** таваллуд кунини билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сийхат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!